

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ОЛИМА

Наргиза Нуриллаева Мухтархановна бу исми эшитганда кўпчиликнинг кўз олдига меҳнаткаш, масъулиятли инсон, қаттиққўл, талабчан раҳбар, меҳрибон, фидоий устоз ва бетакрор аёл сиймоси гавдаланади.

Устозимизнинг иш фаолиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, 1992 йилда II Тошкент давлат тиббиёт институти тамомлаб, 1992-1996 йилларда II Тошкент давлат тиббиёт институти "Кардиология" йўналиши бўйича клиник ординатурада, 1998-2001 йиллар ораллигида I Тошкент давлат тиббиёт институти аспирантурада таҳсил олганлар. 2002 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаганлар. 2015 йилда эса юрак ишемик касаллигининг бирламчи тизимда эрта аниқлаш, унинг профилактик чора-тадбирлари ва хавф омилларига бағишланган докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганлар. Ушбу илмий



изланишларида юрак ишемик касалликлари мавжуд беморларда биринчилардан бўлиб метилентетрагидрофолатредуктаза ва Лейден мутацияси каби генетик ўзгаришларни аниқлаганлар. 2011-2016 йилларда – Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокори тайёрлаш ички касалликлар ва клиник аллергология кафедраси мудир лавозимида, 2016 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Тошкент тиббиёт академияси малака ошириш факультети 1-сон ички касалликлар кафедраси мудирлигида ўз фаолиятларини давом эттириб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академиясидаги барча олиб борилаётган ишларда Наргиза Мухтархановнанинг фаол иштироки кўзга ташланади.

У илмий анжуманларми, у спорт байрамларими, вилоятлар миқёсидаги тиббий кўрикларми, қўйинки, Тошкент тиббиёт академиясининг барча тадбирларида устозимизнинг доимий иштирокини кўриш мумкин.

Юксак педогогик маҳорат билан ўқийдиган маърузалари туфайлими, нафақат ҳамкасблари, балки, талабалар, магистрлар кўнглидан чуқур жой эгаллаганлар.

Устозимизнинг дарс ўтиш жараёнида ўзига хос принциплари мавжуд, улар ҳар бир талаба руҳиятига индивидуал ёндошган ҳолда дарс ўтадилар. Шу билан биргаликда устозимиз кўнглиданлик ва талабаларга ён босишларни асло кечирмайдилар. Қаттиққўллик билан ўтадиган имтиҳонларида талабалар асл билими ва салоҳиятига мос баҳо оладилар.

Устозимизнинг камтарона меҳнатлари 2014 йилда "Ҳарбий тиббиётга қўшган ҳиссалари" учун кўкрак нишони билан тақдирлашган.

Кафедра мудиримиз бошчилигида олиб бориладиган илмий изланишлар асосан юрак-қон томир тизими касалликларини бирламчи тизимда фаол эрта аниқлаш, профилактик чора-тадбирлар, хавф омилларини баҳолаш ва улар билан курашиш ва ушбу касалликларнинг замонавий текшириш усуллари ёрдамида баҳолаш, генетик жиҳатдан касалликнинг бирламчи профилактикасига ёндошишга қаратилган. Бугунги кунгача ушбу йўналишда 150 га яқин илмий ишланмалар, 80 тага яқин мақола, 3 та ўқув қўлланма ва 1 та монография чоп этганлар. Қўшимча равишда 2 нафар муаллифлик гувоҳномаларига эгалар.

Бундан ташқари, Наргиза Мухтархановна нафақат маҳаллий конференция ва анжуманларда балки халқаро миқёсда ўтказиладиган тадбирларда ҳам фаол иштирок этадилар. Мисол тариқасида 2018 йил Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган "Нафас олиш тизими касалликлари"га

бағишланган конференциянинг бир қанча секцияларда раис сифатида иштирокларини келтириб ўтиш мумкин.

Биз кафедранинг ёш ходимлари, шогирдлари Наргиза Мухтархановнанинг таваллуд кунлари билан бутун кафедрамиз номидан қўлайимиз, уларга соғлиқ-омонлик, тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт ва келгуси ишларига ривож тилаб қоламиз.

"Устозим ҳаётим чироғи" деганда биз шогирдларингиз кўз ўнгидан сўзсиз сиз – Наргиза Мухтархановна гавдаланасиз, яна бир бор таваллуд айёмингиз муборак бўлсин устоз!

**Р.РАЖАБОВА,
Н.ХАСАНОВА,
1-сон ички касалликлар кафедраси ассистентлари**



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 8 2019 YIL 26 AVGUST

ИСТИҚЛОЛ – БУЮК НЕЪМАТ



Халқимиз учун энг улғу, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги барча

ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан қутиб олиш, бу қутлуғ санани, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонлаш муҳим аҳамиятга эгадир.



БАЙРАМ ҚУТЛОВИ

Халқимиз энг улғу, энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг йигирма саккиз йиллигини қизгин нишонламоқда. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқболимизнинг мустақамлангани, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида қадрланади.

Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирish имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намойиш этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқарish учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрдир.

Айтиш жоизки, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш орзуси айнан мустақиллик билан боғлиқ эзгу интилишдир. Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатдир.

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, қадрли талаба-ёшлар! Сизларни барчамиз учун қадрли бўлган Истиқлолимизнинг 28 йиллиги билан чин юракдан самимий муборакбод этаман. Сизларга ҳаммиша соғлиқ-омонлик, ўқиш ва ишларингизда улкан муваффақиятлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

**Тошкент Тиббиёт академияси ректори
Л.Тўйчиев**

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 июлда "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон" деган бош ғояни ўзида мужассам этган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида кўхна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан ўрин олди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллигини нишонлаш арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширилган ишлар, эриш-

ган натижаларни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг онги шуурига етказиш мақсадга мувофиқдир.

Айниқса, охириги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Ғ.УТАЕВ,
ТТА Ижтимоий
фанлар кафедраси катта
ўқитувчиси,
С.ХАЛИҚУЛОВ,
Даволаш факультети
3-курс талабаси**



ТТА ректорати ва касаба уюшмаси Анатомия клиник анатомия кафедраси профессори
Тўлаган Сағатов АГЗАМОВИЧНИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
**Nashr uchun ma'sul
R. Matmurodov**

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



**Тилингни болини кўрганам бордир,
Дилингни болига умрим хумордир.**





ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

"Мустақиллик", "Озодлик", "Хуррият". Бу муқаддас каломлар дунёдаги барча халқлар тилидаги энг тотли, энг улуғ, энг азиз, энг ардоқли, энг ҳузурбахш сўзлардир.

Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда яшаш қанчалик фожиа – бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгалик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт – олий саодатдир. Бундан йигирма саккиз йил илгари халқимиз ана шундай буюк бахтга мушарраф бўлди – Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилди. Олам аҳли бой тарих ва маданий меросга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё харитасида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига гувоҳ бўлди.

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили озод Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлиги, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда.

Истиқлол! Истиқлол бизга нима берди? Аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Иш, ўқишда юксак мақсадларимиз томон одимлашда эркинликни берди. Тилимизни берди. Энг муҳими, юрт ва мамлакат

тақдирига дахлдорлик туйғусини ҳис қилиб яшаш ҳуқуқини берди.

Яна бир нарса биз ўз ютуқларимиз билан овора бўлиб қолмаслигимиз лозим. Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарама-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо огоҳ, доимо хушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашга ундайди.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамда ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Мен бир аёл, она ва олима, юртимнинг бир фуқароси сифатида – мана шу кўм-кўк осмон ости, меҳрибон она – Ер усти, инсонлари фаровон турмуш кечираётган, жамият фуқаролари хур ва озод бўлган давлатда яшаётганимиз ва қарияларнинг қўли дуода бўлган ҳамда ҳар бир бурчагидан беғубор болаларнинг шодон кулгуси янграётган заминда яшаётганимиздан бахтиёрман. Ўз юртим, она Ватаним, шонли ўтмишим, нурли

келажагимиз билан фахрланаман. Халқимизнинг ўзидек беғараз самимияти, эшигидек очиқ кўнгли, дастурхони сингари тўкин муҳаббати, азим дарёсидек жўшқин меҳри, қўшидек иссиқ қалбини ҳеч нарсага алишмайман. Зероки дунёдаги ҳеч бир давлат, миллат ва халқда ўзбекининг орию самимияти, меҳмондўстлигию очиқкўнглиги, болажонлиги учрамайди. Биз ана шундай етук ва мукамал миллат, бирдам халқимиз.

Жаннатмакон юртининг бир дилбанди, тинчлик, хурлик гашти билан гуллаб-яшнаётган диёрнинг меҳр-муҳаббати юрагимда ушбу шеърини мисраларни такрорлашга ундайди:

Дунё танир аждодларнинг авлодимиз,

Юрт қорига ярай деган қанотимиз,

Комиллиги ҳар кўнгилга оташ солган

Илдизларнинг завол билмас япроғимиз.

Истиқлолнинг абадий бўлсин, боғларингдан кўрку тароват, қутбарак аримасин азиз Ватаним – Ўзбекистоним!

Л.АБДУҚОДИРОВА,
доцент

54	Хашимов Фарход Файзуллаевич	13.09.1978	Малака ошириш факультетининг Дерматовенерология кафедраси катта ўқитувчиси
55	Каримов Муродулло Юлдашев	21.09.1963	Малака ошириш факультетининг Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси мудири
56	Назарова Нигора Зикриллаевна	11.09.1963	Малака ошириш факультетининг Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси доценти
57	Саидносиров Ойбек Қобил ўғли	30.09.1986	Малака ошириш факультетининг Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси ассистенти
58	Дадабаева Наила Акрамовна	10.09.1939	Малака ошириш факультетининг 1-сон ички касалликлар кафедраси доценти
59	Зубайдуллаева Максуда Турабжановна	10.09.1965	Малака ошириш факультетининг 1-сон ички касалликлар кафедраси доценти
60	Ярмухамедова Дилфуза Заировна	10.09.1965	Малака ошириш факультетининг 1-сон ички касалликлар кафедраси катта ўқитувчиси
61	Хасанова Наргизахон Абдумухтор кизи	25.09.1990	Малака ошириш факультетининг 1-сон ички касалликлар кафедраси ассистенти
62	Матмуродов Рустам Жуманазарович	13.09.1979	Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи
63	Абдукаримова Гулчеҳра Абдусатторовна	11.09.1966	Ахборот-кутубхона ресурслари бутлаш, каталоглаштириш ва тизимлаштириш бўлимининг 1 тоифали кутубхоначиси
64	Исраилов Жаҳонгирхон Джемшидхонвич	29.09.1989	Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи
65	Илмуратов Музаффар Усманович	13.09.1981	Биринчи бўлим мутахассиси

ТТА ректорати ва касба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кўнлари билан муборакбод этади.

ИЛМ-ФАННИНГ ФИДОЙИ ОЛИМАСИ

Тошкент Тиббиёт Академияси тиббий профилактика факультети, "Тиббий ва биологик кимё" кафедра профессори Феруза Иноятова Хидаятовнанинг 70 йиллик таваллудига бағишланади.



Тошкент Тиббиёт академиясининг талабаларга тиббий биологик кимё фанидан билим беришда фаолият кўрсатаётган, келажақда билимли, қатъиятли ва етук тиббиёт ходимларини тайёрлашда, Ўзбекистон Республикасидаги тиббиётнинг ривожига катта ҳисса қўшаётган ўзбек олима аёлларни фахри бўлган ИНОЯТОВА ФЕРУЗА ХИДАЯТОВНАДир.

Таниқли олима, устоз Иноятова Феруза Хидаятовна 70 ёшга кираётган бўлсаларда, куч ва ғайратга тўлган етук олима сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Чунки, олима доимо изланиш, профессор-ўқитувчилар, шогирдлари, кафедра ходимлари, магистрантлар ва талабалар билан ўқув, илмий, услубий, маънавий ва маърифий ишларга кўмилиб, улларга ўз билим ва маҳоратлари, малакаларини сингдириб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлаш билан доимо машғул бўлиб келмоқдалар.

Феруза Хидаятовна Тошкент шаҳрида 1949 йили 20 августда зиёлилар оиласида таввалуд толган. 1956 йилда Тошкентдаги 29-мактабга бориб, 1962 йили мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган ва шу йилнинг ўзида П.Ф.Боровский номи Тошкент тиббиёт билим юртига ўқишга кирган. Билим юртини қизил диплом билан тамомлагандан сўнг олима устозимизни илм-фанга бўлган меҳри ва қизиқиши янада ортиб илм-фан йўли уни Тошкент Давлат Университетининг илм даргоҳига бошлаб келган. Устоз олима 1974 йилда ТошДУ биология-тупроқшунослик факультетини кундузги бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлаб, ТошДТИ Марказий илмий тадқиқот лабораториясида кичик илмий ходим бўлиб иш фаолиятини бошлади. 1987 йилда Ленинград кимё-фармацевтика институтида биология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун 03.00.03-биокимё мутахассислиги бўйича "Биохимикские аспекты консервогенного и мутагенного действия некоторых иммуносупрессоров" мавзусида кандидатлик диссертациясини химоя қилди. 1987 йилдан шу лабораториянинг ўзида катта илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. 1992 йилдан 2-ТошДТИ МИТЛнинг биокимё бўлими бошлиғи лавозимига ўтказилди. 1999

йилда ЎЗР ФА биокимё институтида биологик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун 03.00.03-биокимё ихтисослиги бўйича "Биохимические аспекты нарушенной функциональной взаимосвязи оксидазных и оксигеназных ферментных систем гепатоцитов при патологических состояниях и пути их коррекции" мавзусидаги диссертация ишини химоя қилган.

Ф.Иноятова ўз фаолияти давомида ўзини билимли, саводли, талабчан ўқитувчи сифатида намоян этиб, академия ходимлари ва талабалари орасида хурматга сазовор бўлиб келмоқда. ТТА ва барча факультетларнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, ёшларга ўрнак бўлмоқда.

Олима устозимиз ҳозирги вақтда ҳам, илмий фаолиятини янада ривожлантириб, организмда жигар ва буйракнинг меъърий ҳолатлари ва токсик заҳарланишидаги ўзгаришларни, шунингдек, метаболлик синдромлар муаммоларини аниқлашнинг биокимёвий усуллари устида илмий изланишлар олиб бораётган бир неча ёш олимларга кандидатлик ва докторлик ишларига илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлиб фаолият кўрсатмоқда, шу тарзда тиббиётга қўшаётган ҳиссасини янада юксалтирмоқда. Устоз олиманиннинг илмий маслаҳатчи ва илмий раҳбарлигида 1 нафар фан докторлик иши, шунингдек, 4 нафар ёш изланувчи олимлар ўзларининг номзодлик ишларини олиб бормоқда. У томонидан 400 дан ортиқ илмий мақолалар, 3 та биологик кимё бўйича дарслик, 3 та патент, 7 дан кўп услубий тавсиялар чоп этилган.


Устоз олима доимо Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий ва ташкилий ишларда фаол қатнашиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссияси (ОАК)

эксперти, Ташкент педиатрия медицина институти ва Тошкент тиббиёт академияси қошидаги ихтисослашган Илмий Кенгаш аъзоси сифатида ҳалол ва сидқидилдан бажариб келмоқда. Бир вақтнинг ўзида "Toshkent tibbiyot akademiyasi AXBOROTNOMASI" журналы масъул котибаси бўлиб иш олиб бормоқдалар.

Устоз олима Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги Биокимёгарлар ассоциацияси, Ўзбекистон биокимёгарлари орасида нуфузли ўринларни эгаллайди, шунингдек, устозимизнинг илмий-педагогик тиббий ва жамоатчилик соҳасидаги фаолияти Тошкент тиббиёт академияси томонидан юксак баҳоланмоқда.

Хурматли Феруза Хидаятовна Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти, ходимлар касба уюшмаси, ҳамкасбларинингиз ва шогирдларинингиз номидан таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, илмий, амалий ва шахсий ҳаётингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ёшингизга ёш қўшилиб олиб бораётган илм-фан йўлини, маърифий ишларингизни яна узоқ йиллар давом эттиришингиз ва илмингизнинг маърифат чирогини ҳеч қачон ўчмаслигини тилаб қоламиз. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси маъмурияти, ходимлар касба уюшмаси, ҳамкасблари ва шогирдлари.

М.КУЛЬМАНОВА,
тиббий ва биологик кафедраси мудири,
т.ф.д,
А.ЭРГАШОВ,
кафедра доценти



ТТА бўйича сентябрь ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Абдувалиев Анвар Арсланбекович	14.09.1970	Гистология ва тиббий биология кафедраси доценти
2	Ишанджанова Сурайё Хабибуллаевна	04.09.1977	Гистология ва тиббий биология кафедраси катта ўқитувчиси
3	Иноятова Фируза	20.09.1949	Тиббий ва биологик кимё кафедраси профессори
4	Худайберген Бахтияр Ергашевич	16.09.1963	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчиси
5	Алиев Шовкат Рузиматович	01.09.1949	Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси доценти
6	Маматмусаева Фотима Шайдуллаевна	01.09.1982	Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти
7	Толипова Гулҳаёхон Комилжон кизи	27.09.1992	Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти
8	Зайцева Ольга Александровна	26.09.1961	Фармакология кафедраси доценти
9	Худайбердиев Хужамурат Исокович	18.09.1971	Фармакология кафедраси ассистенти
10	Рустамов Иброхим Худайбердиевич	11.09.1960	Фармакология кафедраси ассистенти
11	Джанаев Ғайрат Юсупович	11.09.1988	Фармакология кафедраси ассистенти
12	Собитходжаева Саида Улмасовна	09.09.1975	Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси катта ўқитувчиси
13	Ёқубов Марад Салиджанович	25.09.1989	Атроф-мухит гигиенаси кафедраси ассистенти
14	Камилов Адам Ашрафович	08.09.1959	Атроф-мухит гигиенаси кафедраси ассистенти
15	Самилова Наргиз Раимовна	18.09.1968	Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси доценти
16	Абдукаҳхарова Муаттархон Фахритдиновна	27.09.1952	Эпидемиология кафедраси доценти
17	Неъматова Нигора Уроқовна	26.09.1970	Эпидемиология кафедраси ассистенти
18	Стожарова Нелли Камилловна	16.09.1957	Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси ассистенти
19	Гиясов Зайнитдин Асамутдинович	25.09.1950	Суд тиббиёти кафедраси профессори
20	Хакимов Сарвар Абдуазимович	14.09.1987	Суд тиббиёти кафедраси ассистенти
21	Турсунов Хасан Зияевич	21.09.1957	Даволаш факультети Патологик анатомия кафедраси муdiri
22	Махмудова Шарипа Курашевна	05.09.1939	Даволаш факультети 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти
23	Агзамова Гулнора Суннатовна	13.09.1958	Даволаш факультети 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти
24	Зияева Феруза Камалиддиновна	26.09.1961	Даволаш факультети 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси катта ўқитувчиси
25	Мирзаева Камола Сайдирахмановна	23.09.1970	Даволаш факультети Неврология кафедраси доценти
26	Расулова Дилбар Камалиддиновна	17.09.1965	Даволаш факультети Неврология кафедраси доценти
27	Рахматуллаева Гулноза Куттиддиновна	03.09.1975	Даволаш факультети Неврология кафедраси ассистенти
28	Атанязов Максуджон Камалиддинович	10.09.1981	Даволаш факультети Неврология кафедраси ассистенти
29	Махаммаджанова Нозира Махаммадмин кизи	08.09.1989	Даволаш факультети Неврология кафедраси ассистенти
30	Аваков Вячеслав Ервандович	14.09.1938	Даволаш факультети Анестезиология ва реаниматология кафедраси профессори
31	Муратов Темур Малик Низамович	24.09.1987	Даволаш факультети Анестезиология ва реаниматология кафедраси ассистенти
32	Ахмедов Мухамеджан	24.09.1946	Даволаш факультети Хирургик касалликлар кафедраси профессори
33	Дустов Фазлиддин Аловиддинович	21.09.1987	Тиббий педагогика факультетининг Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
34	Жаббарова Маъмура Исмагулло кизи	07.09.1992	Тиббий педагогика факультетининг Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
35	Мирзаева Адиба Хамдамовна	18.09.1987	Тиббий педагогика факультетининг Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
36	Ўринов Алишер Мусирмон ўғли	23.09.1993	Тиббий педагогика факультетининг Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
37	Усманходжаева Адибахон Амирсандовна	25.09.1971	Тиббий педагогика факультетининг Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси муdiri
38	Закирова Рината Ринатовна	26.09.1984	Тиббий педагогика факультетининг Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
39	Исмагуллаев Зафар Улуғмуратович	17.09.1980	Тиббий педагогика факультетининг 2-сон госпитал жароҳлик кафедраси ассистенти
40	Каримова Мавлюда Турабджановна	12.09.1958	Тиббий педагогика факультетининг Юқумли касалликлари кафедраси доценти
41	Абидов Акрамжон Буриевич	22.09.1960	Тиббий педагогика факультетининг Юқумли касалликлари кафедраси доценти
42	Рахматуллаева Шахноза Бахадировна	30.09.1975	Тиббий педагогика факультетининг Юқумли касалликлари кафедраси доценти
43	Муминова Махбуба Тешаевна	25.09.1976	Тиббий педагогика факультетининг Юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
44	Султонова Гулрух Юнусалиевна	16.09.1987	Тиббий педагогика факультетининг Юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
45	Ходжаева Мавлюда Инагомвна	17.09.1948	Тиббий педагогика факультетининг Фтизиатрия кафедраси доценти
46	Хожиметов Санжар Валирахимович	19.09.1985	Тиббий педагогика факультетининг Онкология кафедраси ассистенти
47	Зулпикариев Диевбек Давранбекович	12.09.1988	Тиббий педагогика факультетининг Тиббий радиология кафедраси ассистенти
48	Пулатова Дурдона Баходировна	16.09.1969	Тиббий педагогика факультетининг Клиник фармакология кафедраси катта ўқитувчиси
49	Гадаев Абдуғаффар	17.09.1949	Тиббий педагогика факультетининг 3-сон ички касалликлар кафедраси профессори
50	Саттарова Камола Абдулнасиоровна	17.09.1985	Малака ошириш факультетининг 1-сон акушер ва гинекология кафедраси ассистенти
51	Абдуразокова Мухайё Дилшодовна	09.09.1984	Малака ошириш факультетининг 1-сон акушер ва гинекология кафедраси ассистенти
52	Раззакова Нилуфар Сайдахматович	14.09.1986	Малака ошириш факультетининг 1-сон акушер ва гинекология кафедраси ассистенти
53	Нурматова Ирода Бахтияровна	10.09.1974	Малака ошириш факультетининг Дерматовенерология кафедраси доценти

Халқимиз, мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллигини қаршиламоқда. Бу йилги байрам тантаналари "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шиори остида нишонланмоқда.

Миллат озодлиги, юрт истиқлоли билан боғлиқ бу тарихий сана – ўзбекистонликларнинг миллий байрами, энг улғу ва азиз айёми, давлатимизнинг буюк ўзгаришлар сари юз буришида имконият эшикларини кенг очиб берган қутлуг кун сифатида нишонланмоқда. Мустақиллик – эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир. Мустақиллик – озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини тегран англаши учун кесксиз ва буюк имконият демакдир!

Ватан... Бу муқаддас тушунча бугун юртимиз мустақилликка эришган даврда яна ўз аслига қайтмоқда. Бугун биз Ватанимизни озод, эркин, мустақил кўриш мубайнида Ватан ҳиссини чуқурроқ англашга ҳаракат қилмоқдамиз. Буюк аждодларимиз: Тўмарис, Широқ, Жа-

поллидин Мангуберди, Амир Темурлар жасорати, Имом ал-Бухорий, Махмуд аз- Замахшарий, Ибн Сино, Хоразмий, Улуғбек каби аллома бобокалонларимизнинг дунё илму фан ва маданияти тараққиётига қўшган жаҳоншумул хизматларини ёки бўлмаса, Навоий, Бобур, Фитрат, Чўлпон, Иброҳим Мўминов, Ҳабиб Абдуллаев кабиларнинг фаолиятларини ватанпарварлик намунаси деб ҳисоблаш мумкин.

Хурликка эришганимизнинг 28 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 8 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориди шундай сўзлар бор: "Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилиб бормоқда".

Дарҳақиқат ўтаётган йигирма саккиз йил мобайнида Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқболимизнинг мустақамлангани, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида қадрланади. Аждодларимиз энг буюк, қутлуг эзгу ниятлари бўлган мустақилликка эришган Ўзбекистон 28 йиллик қисқа давр мобайнида катта ютуқларни қўлга киритди: ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, халқаро муносабатлар соҳасида катта ютуқларни қўлга киритиб, дунё микёсида тан олинди. Жумладан, мам-

лакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқандда жорий йилнинг 26 августиди "Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси" мавзусида ЮНЕСКО шафелигида дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 300 дан ортиқ олимлар иштирокида халқаро анжуман ва мазкур халқаро анжуман доирасида эса Тошкент, Термиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида "Ўзбекистон – буюк йўллар ва цивилизация чорраҳаси: империя, дин, маданият" маданий мерос ҳафталиги (22-26 август кунлари)нинг ўтказилиши ҳам бунинг исботи ва эътирофидир.

Мустақиллик айёми олди юртимиздаги бунёдкорлик ишларини кўриб, муқаддас ва батақдор мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон қалби ғурур ва ифтихор туйғуси

ли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида эришилаётган натижалар БМТ, Жаҳон соғиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ сингари қўллаб халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Соғлом ва баркамол авлодди воёга етказиш орзуси айнан мустақиллик билан боғлиқ эзгу интилишдир. Албатта, ҳар бир ёш юрт, жамият, қолаверса миллат эртаси демакдир. Улар учун жаҳоннинг энг замонавий фан ва техника ютуқларидан хабардор бўлиш ва нуфузли таълим даргоҳларида ўқиш имконияти туғилди. Таълим, ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Юртимизда махсус Давлат дастурининг қабул қилинишида, ёшлар таълим-тарбиясига оид беш ташаббус тимсолида бу борадаги эзгу интилишларнинг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Буларга жавобан эса ўғил-қизларимиз илм-фаннинг барча соҳалари, санъат ва спортда дунёни ҳайратга солиб, Ватан шаънини юксакларга кўтаришмоқда.

"Ватан остонадан бошланади", дейишадди, биз бугун гузардами, маҳалладами, қайси қаватдаги уйда яшамайлик, озод юрт муқаддас ҳавосидан эркин нафас олаётганлигимизни эсдан чиқармаслигимиз керак! Халқимизнинг асл фарзандларидан бири бўлмиш Абдурауф Фитрат айтганидек, "Ватан қиблагохдир, саждагохдир" Ватанин севмоқ эса иймон ва эътиқоддир, истиқлол ва истиқбол олдидаги маъсулиятдир.

Истиқбол берган замонда яшаб, Ватанимиз тарихини муқаммал ўрганмоқ, аждодларимиз маънавий меросини англамоқ, энг эзгу шуқрона неъмат – мустақилликни асрамоқ, тинчликни кўриқлаш – энг эзгу ва шарофли бурч эканлигини доимо ёдда тутмоғимиз лозим!..

Юртимизда ҳар куни эрталаб тонгни қарши оламиз, бу истиқлол тақдим этган мунаввар истиқбол тонгидир, бу тонг умид, ишонч, эзгулик тонгидир. Уни оқчишлайлик, эъозлаб, авайлаб, асрайлик!


Зотан шейрий сатрларда ёзилгандек: *Тўрт қитъами, тўрт томон, Хилпирайди байроғине. Келажакни ёритар. Бугун ёққан чирогине. Истиқлол шамолдан, Тўйиб олайлик нафас. Кўкси ҳам осмон элим, Ўзбекистон, Ўзбегим.*

Шоира ҚОДИРОВА,
2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси катта ўқитувчиси

ЭЪТИҚОДГА АЙЛАНГАН ТУЙҒУ...

Мустақиллик! Истиқлол! Озод, ўз эркига эга мустақил диёр!
Барча-барча сўзлар бу сўз олдида биз учун энг Буюкдир!

билан тўлиб тошади. Чунки, мустақиллик берган неъматлар, кенг имкониятлар гуёки сўз билан таърифга сифмагандек. Айниқса, қисқа вақт ичида пойтахтимизда бунёд этилган янги таълим, санъат иншоотлари, манзилимизни яқин қилувчи кўприклар, гўзал бог-роғлар, обод кўчалардаги гўзал манзараларни баъзида санаб адоғига ета олмайсан. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот аввало инсон, унинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу ютуқларнинг бош омили албатта, бунёдкор халқимиз меҳнатидир. Республикаимизда инсоннинг ўз имкониятларини тўла намоён этиши учун барча имкониятлар ва шароитлар мужассам. Мустақиллик йилларида халқимиз ҳаётида жуда кўплаб ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг моддий ва маънавий таъминланиши давлатимизнинг сиёсатида айланди. Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатдир. Тизим моддий-техника базасининг муттасил яхшиланиши, етуқ мутахассислар тайёрлашга эътибор ва тиббиёт ходимларининг ҳар томонлама моддий-маънавий қўллаб-қувватланиши натижасида соҳада улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Оналар ва болалар ўлимининг кескин камайиши, тур-



ТАРИХ ОЙНАСИДАГИ ҲАҚИҚАТЛАР

“Мозийга қайтиб иш кўрмоқлик хайрлидир”
Абдулла Қодирий, ўзбек романаулиги асосчиси



Мана, юртимиз мустақиллик туғини қўлига олганига ҳам 28 йил бўлди. Ана шу мўъжазгина давр оралиғида Ўзбекистон ўзининг кўпгина кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозаларига чиқиб олди. Хўш, Ватан, илоҳий замин, мустақиллик тушунчалари аслида нима?

Ватанни куйлаган фозиллар, шоирлар, олимлар кўп аммо Ўзбекистон Қаҳрамони устози комил Абдулла Ориповнинг куйидаги мисраларидек халқимизни кўпларга кўтарилгани бармоқ билан санарликдир.

Боболардан сўзладим, аммо,

Бир зот борким баридан буюк.

Буюкларга бахш этган даҳо,

Она халқим, ўзинсан буюк.

Сен ўзинсан, энг сўнги нонин,

Ўзи емай ўғлига тутган.

Сен ўзинсан, фарзандлар шонин,

Асрлардан опичи бўтган.

Она халқим, жон – таним маним,

Ўзбекистон, Ватаним маним.

Бугунги кунда давлатимиз иккинчи бор уйғониш, яъни Ренессанс даврини бошдан кечирмоқда. Биринчи бор улуг Амир Темури пароканда бўлган элатларни бошини қовуштириб, улкан иморатлар қуриб, бир қўлида қилич, бошқасида эса адолат билан буюк давлатга асос солган бўлса, иккинчи ренессанс президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар қўлами билан боғлиқдир. Юртимиздаги янгиланиш, қурилишлар, барча жабҳа ва соҳалардаги буюк ислохотлар, жаҳоннинг турли давлатларидан тараққиётимиз учун миллиардлаб инвестицияларнинг оқиб келиши, инновациялар ва юқори технологияларнинг кенг жалб қилиниши, олис ва яқин хорижлардан тақдир шамоллари учириб кетган минглаб юртдошларимизнинг она Ватанга қайтарилиши, умуммиллий, умуминсоний меҳр-муҳаббат ва шафқат билдирилиб, кўплаб бандиларнинг озод қилиниши кабилар юртимизда ҳақиқий ислохотлар қўлампидан дарак бериб келмоқда. Муҳтарам юртбошимиз илдизи бир неча минг йиллик мозийларга тақалган кўҳна диёримизнинг туристик салоҳиятидан келиб чиқиб туризмни ривожлантириш борасида кўплаб фармон ва қарорларга имзо чекидилар. Яқинда буюк бобокалонимиз шайхур раиснинг киндик қони тўкилган муқаддас Афсона зиёратгоҳида бўлиб олам жаҳон таасуротлар билан қайтдим. Корея, Олмо-

ния, Дания, Хитой, Англиядан келган саёҳатчиларнинг кўпчилигидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Мактабда ўқиб юрган кезларимиз “Ўзбекистон ССР тарихи” деган китобда келтирилишича Инқилобга қадар ўзбек аҳолисини 1,5-2,0 фоиз қисмига саводхон бўлган. Демак, ушбу тарихга ишонадиган бўлсак жаҳонга Ибн Сино, Хоразмий, Бухорий, Самарқандий, Насафий, Марғиноний, Фарғоний, Шоший, Тошқандий, Ургутий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний каби улугларни етказиб берган ўзбек миллатининг 98 фоиздан кўпи мутлақо бесавод бўлган. Бу мутлақо ақлга сиғмайдиган ҳол саводсиз халқ орасидан шунча буюкларнинг чиқиши мумкин эмасди.

Ислохотлардан энг инсонпарвари ва олижаноби бир талабанинг бирваракайига бир неча илм даргоҳларига ҳужжат топширишларига имкон берилиши бўлди. Илгарилари бўлғуси мутахассислар бир йилни йўқотган бўлсалар, энди улар ўз имкониятлари ва салоҳиятининг даражасига қараб ўз вақтида талаба бўлиш имкониятларига эга бўлдилар. Интернет маълумотларига таянсақ олий ўқув юртларига ўқиш учун топширган талабгорлар адади бўйича Ўзбекистон биринчи ўринга чиқиб олибди. Маълумотни ўқиб жуда шодландим, ахир қайси юртда инсон илм, ижод, санъат, фалсафа, изланувчанликка интилади? Тинчлик-омонлик ҳукм сурган, ижтимоий-иқтисодий муаммолар йўқ, устида томи-ю, дастурхонида мўлк-кўлчилик бўлган юртда! Ахир оч қорин ва дарбадарлик билан юрган инсоннинг биринчи муаммоси илм-фан эмас, балки иқтисодий масалалар бўлади. Мустақил диёримизда ижтимоий, иқтисодий жиҳатлардан тўғри сиёсат олиб борилаётганлиги боис жаҳоннинг аксарият мамлакатларига ўз салбий таъсирини ўтказган, аҳоли яшаш сиёсати, турмуши даражасига, табиийки жисмоний, руҳий саломатлигига ёмон таъсир кўрсатган таназуллар юртимизни четларга ўтди.

Юртда аҳоли саломатлиги, ва соғлиқни сақлаш тизими ҳар томонла-

ма талабга жавоб бериши учун миллий даромаднинг 8.0 фоизга яқини соғлиқни сақлаш тизими учун ажратилиши лозим. Иттифоқда бу кўрсаткич 3 фоизни, Японияда 9 фоизни, Германияда 11 фоизни, Америкада 7 фоизни ташкил қилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Грузияда 1,5 фоизни, Тожикистонда 1 фоизни, Россияда 2 фоизни ташкил қилган. Бугун Ўзбекистонда бу кўрсаткич жаҳон андозалари даражасига етиб қолди. Буларнинг барчаси янги, замонавий тиб масканлари, марказлари очилишида, уларни жаҳон андозасига жавоб бера оладиган тиббий жихозлар билан таъминланишида, шифокорларимизни хориж давлатларида, илгор технологиялар бўйича малака оширилишида, муқобил – халқ табобатига кенг ўрин ажратиб берилишида, бир қанча тоифага мансуб беморларга мутлақо текин дори-дармонлар ажратилишида, аҳоли саломатлиги ва яшаш сифатининг яхшиланишида, аҳоли ўртача умрини собиқ Иттифоқ билан солиштирганда 15-18 йилга узайиши ва бугунги кунда фуқаролар ўртача умри 80 йилга яқинлашиб қолганлигида намоён бўлмоқда. Мустақилликнинг яна бир шарофати – 1994 йилда Тошкент шаҳрида, орадан ҳеч қанча фурсат ўтказмасдан Республикаимизнинг ҳамма вилоят марказларида скрининг марказлари очилгани бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ҳомилалик давридаёқ, митти жонни соғломлик даражасини аниқлашдир. Бу тадбир тез йилларда ўз самарасини кўрсатди. Агар 1984 йилда туғилаётган чақалоқларнинг 11,3 фоиз қисмида норасоликлар аниқланган ва уларнинг ҳар 3 тадан биттасида оғир жарроҳлик муолажаси ўтказиш зарурияти туғилган бўлса, мустақил диёримизда бу тадбирлар туфайли норасо туғилиш ва мураккаб операция ўтказиш зарурияти 2 баробар камайди, яшаш сифати яхшиланди.

(Давоми 5-бетда.)



ТАРИХ ОЙНАСИДАГИ ҲАҚИҚАТЛАР

(Давоми, боши 4-бетда.)

Республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан миллий генофондимизни яхшилаш бўйича ҳар йили кўплаб тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, биз шифокорлар ҳам бу тадбирларда фаол иштирок этиб, ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз. Айниқса давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилнинг 12 октябрида “Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши Абулқосим аз Заҳравий, Ибн Сино, Ҳаким Юсуфийларнинг юрти бўлган, дунёга ўқтам Орипов, Восит Воҳидов, Амин Сулаймонов, Султон Долимов каби улуг олимларни етказиб берган юртимизда замонавий медицина, халқ табобати ва Тибби Набавийни уйғунлаштириб кўллаш ва миллимиз келажаги бўлган зурриёдларимиз саломатлигига янгича ёндошиш имконини берди.

Миллий генофонд – бир миллат ирсиятно-малари жамғармасидир. Бунинг маъно-моҳияти шу миллат вакилларининг онглилик даражаси, ақлий, жисмоний, руҳий, жинсий саломатлиги даражаси кўрсаткичларидир. Миллий генофондни яхшилаш эса ана кўрсаткичлар уйғунлашмасини яхшилаш дегани. Тарихда бундай уринишлар кўп бўлган. Қадимги Римда касалванд ва нотавон болалар парваришланмаган, уларнинг табиий ўлиб кетишига йўл қўйилган. Греклар буни евгеника деб атаганлар. Жоҳилият даврида эса жинслар мувозанатини изга солиб учун асосан қиз болаларни, мубтало ва нотавон бўлса ўғил болаларни ҳам тириклай кумга кўмишганлар. Мисоллардан кўришиб турибдики, тарихда миллий генофондни яхшилашга қаратилган тадбирларнинг барчаси хунрезлик ва шафқатсизликка асосланган. Бизнинг юртимизда эса бу жараёнлар инсон омилига эътибор, ғамхўрлик, тиббиёт нуқтайи назари билан қаралса, профилактик йўналишларда олиб борилганлиги учун юксак самара берди.

Хулоса қилиб айтганда муқаддас диёримизда мустақиллик йилларида ўтказилаётган ислохотлар натижасида яқин йилларда Бухорий, Самарқандий, Фарғонийларнинг ворислари жаҳонга донг кетган спортчилар, Нобель мукофоти лауреатлари етишиб чиқади.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Россия “Экология и здоровье человека”
Халқаро илмий академияси мухбир аъзоси,
Республика Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси.
Кутбиддин НИЗОМОВ,
Республика Соғлиқни сақлаш аълочиси

МАЪРИФАТ-МАЪНАВИЯТ БОРАСИДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Ҳаммамизга маълумки, республикамизда ёшларга катта эътибор қаратилади. Уларни соғлом руҳда тарбиялаш шу куннинг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Шу муносабат билан ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтиришда жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, ёшларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш – бугунги кунда давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масалалардан биридир.

Мазкур вазифалар ўзагида ҳаёт уммонининг бошланғич жилғалари бўлган оила тизими негизларини ёшларга тушинтириш, уни мустаҳкамлаш, ҳар бир инсоннинг нодирлигини ҳис этиш ва ҳурмат қилиш унинг ҳаёти ва манфаатини ҳимоялаш, ёшларимизни қадриятларимизга садоқатлик руҳида тарбиялаш каби эзгу ҳолатлар ётади.

Замон талабларига жавоб берадиган қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ синдириш ҳамда бундай интилишларни маънавий-маърифий тадбирлар орқали кенг тарғиб қилиш, халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда давлат ва жамиятимизнинг инсонга бўлган муносабат ва эътиборини ёшлар онига етказиш ҳам ҳозирги куннинг муҳим тамойилларидан биридир.

Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси оила тизими, комил инсон истиқболини кўзлайдиган тадбирларни уюштириши мақсадга мувофиқдир. Ўтказиладиган маърифат-маънавият тадбирларимиз орқали ёшларимиз орасида бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат, тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришга, ҳар бир ёш ўзини жамиятдаги юкласи ва ўрнини аниқлаб олишга маънавий жиҳатдан тайёрлашга, ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш учун маълум маънода замин яратишга хизмат қилади.

Ёшларимизни маънавий тарбиялашимизда авваламбор “маънавият ўзи нима?”, деган саволга жавоб бермоғимиз лозим.

Маънавият – бу гул экишдан то

шаҳар қуришгача, ватан ҳимоясига яраш, миллий орият, муҳаббат, оталик, оналик, ака-укалик, эрлик, аёллик илми, рўзгор тебратиш сири, куй тинглай олиш, тасвирий санъатни ўқий билиш, фуқаролик масъулияти, тарих қошидаги қарздорлик, ота-буваларимиздан қолган ақидаларимизни фарзандларга ҳам етказишдир. Унинг бошқача номи яшаш илми, инсон бўлиш илмидир. Илм деганини мисқоллаб, бобма-боб ўргандилар. Биз табиийки, кўпроқ аниқ фанларни мутолаа қиламиз, касбга ўқиймиз, аммо кўпинча одамийлик илмини чеклаб ўтамыз, бу эса кечирилмас хатодир. Бу камчилигимиз эса, кўп ҳолатларда айниқса оилада, ўзаро муносабатларимизда, қўйинчи бутун ҳаётимизда ўз таъсирини, ўз асоратини кўрсатиб турибди: лоақал бешта бобоколонларимизни отларини шариллатиб санай олмаймиз, “Шашмақом” куйларини бир-бирдан ажрата олмаймиз, ҳатто ёшларимиз рўзгор деган муқаддас тушунчани англамай туриб оила қураятдилар...

Демак одамийлик илмини ўрганиш вақти аллақачонлар етиб келди. Шу маънода ёшларимиз ўртасида миллий қадриятларимиз, инсоний фазилатлар, оила ва жамият ҳақида дилдан суҳбатлар ўтказиш, театр ва музейларга ташриф буюришимиз, Меҳрибонлик уйлари, “Мурувват” ва Саховат қариялар уйларида бориб, уларни ҳолидан хабар олиш каби эзгу ишларни амалга оширишимиз лозим.

Л.АБДУҚОДИРОВА,
доцент

